



Шайбоний хонлари ичида хаёти фожиа билан интихо топган шахслардан бири шахзода (умрининг сўнги олти ойида хон) Абдулмўмин (1567-1598) хисобланади. У шайбонийлар давлати олий хукмдори яъни, Бухоро хони Абдуллахоннинг яккаю ягона ўгли ва тожу тахт вориси эди. Абдуллахон унга хали болалигидаёқ хон унвонини берганлиги боис уни «Кичик хон» деб атардилар. Абдуллахоннинг ўзи эса «Улуг хон» деб зикр этиларди. 1572 йил Абдуллахон Балхни эгаллади ва орадан ўн йил ўтгач, яъни 1582 иил ўн беш ёшли ўгли Абдулмўминни Балх хокими этиб тайинлади. Абдулмўмин хали ёш бўлганлиги учун амир Жонкелдибийни унга оталик этиб белгилади. Унга кадар шахар хокими Абдуллахоннинг амакиваччаси Динмухаммадхон эди. Абдуллахоннинг ўз ўгли Абдулмўминни Балхга юбориши Динмухаммадхонни катта ташвишга солди. Чунки Абдулмўмин харбий кўшин билан Балх томонга отланган эди. Динмухаммадхон дин ахлидан бўлган он хазрат Мавлоно Мухаммад Зоҳидга (тахаллуси Махдуми бозорча, вафоти 1594 йил) мурожаат этиб ундан иккала томонни муроасага келтиришни илтимос килади. Илтимосга мувофик Мавлоно Мухаммад Зоҳид Абдулмўмин хузурига келиб, унга Динмухаммадхон ўзини Абдулмўминга тобе деб хисоблашни етказди. Бунга жавобан Абдулмўмин Динмухаммадхоннинг гаплари рост бўлса ҳеч қандай ташвиш тортмасдан ўз олдига келишини, агар у истаса Балхни унга қолдириб, ўзи Хуросонга кетишини ва ёхуд Хуросон хукмдорлигига талабгор бўлса, унинг бу истагини ҳам амалга оширишга тайёр эканлигини билдиради. Абдулмўмин Динмухаммад томонидан элчи қилиб юборилган шайхни, яъни Мавлоно Мухаммад Зоҳидни турли совгалар билан сийлайди.

Динмухаммадхонга эса шайх орқали қимматбаҳо тўн инъом этади. Мавлоно Мухаммад Зоҳид бошчилигидаги элчилар гуруҳи Динмухаммадхон хузурига келиб Абдулмўминнинг сўзларини етказгач, Динмухаммадхон Абдулмўминнинг бу илтифотини заифлик деб хисоблаб, тезда унга қарши кўшин тортишга фармон берди. Унинг бундай йўл тутиши шайхнинг қон тўкилишининг олдини олиш учун қилган саъй-ҳаракатларини чиппақка чиқарди. Газабга минган Абдулмўмин Балхга ҳужум қилиб, ўн ой давом этган қамалдан сўнг уни забт этишга муваффақ бўлди. Бўлиб ўтган жангларда Динмухаммадхон ҳалок бўлди.

Балхнинг тўла хукмдори бўлиб олган Абдулмўмин қатор ободончилик ишлари олиб борди. Вайрон бўлган Балх қалъасини ўта қаттиққўллик билан олти ой ичида қайта тиклади. Иш давомида қанчалар килган қишлоқлар оғир қазоланди. Балх қалъасининг олд қисми, Хўжа Аноши макбараси, Бобо Жонбоз чорсуи ва бошқа бинолар Абдулмўмин буйруғи билан таъмир этилди.

Абдулмўмин табиатидаги енгилтақлик, чуқур мулоҳаза қилмай иш тутиш гоҳида уни адаштирарди. 1588 йил унинг томонидан Жўйбор хўжаларининг йирик вақили, тариқат аҳли илтифотлари ила қулганган, машхурлик бобида яқто Хўжа Саъд (1531-1589)

мулкига нисбатан зўравонлик содир этилди. У Хўжа Саъднинг Балхдаги мулк ерларини эгаллади. Шу даврда Андхуд вилоятида бўлган Абдуллахонга бу хабар етгач, у ўглининг килмишидан каттик асабийлашиб, хатто ўзини отдан ташлаб юбориш холатигача бориб этади. Сўнгра зудлик билан Бухорога, Хўжа Саъд номига мактуб йўллаб, Абдулмўминнинг бу ножўя харакатини кечиритиш сўрайди ҳамда ўз фарзандига насихат килганлиги ва каттик сўзлар айтганлигини баён этади.

Шахзода Абдулмўмин исломнинг шиа йўналишини расмий дин сифатида қабул килган Сафавийлар давлати (1502-1736) билан бошка шайбонийзодалар сингари мурасасиз кураш олиб борди. 1589 йил у Машхадга юриш килиб, уни камал этди. Камалда колган машхадликлар шахарни топшириш шартлари тўгрисида Абдулмўмин билан келишиб олиш максатида унинг олдига ўз вакилларини юборишди. Лекин Абдулмўмин буйруги билан музокарага келган вакил катл этилди. Тўрт ойлик камалдан сўнг Машхад эгалланиб, уч кун мобайнида таланди, ёндирилди. Асирга олинган кишилар Мовароуннахрга жўнатилди. Мукаддас Али Ризо мозори якинида дафн этилган Шох Тахмосп (1524-1576) қабри бузиб ташланиб, унинг суяклари гайридиннинг суяклари сифатида ёндирилди. Шахзода Абдулмўмин ўз бобокалони Мухаммад Шайбонийхоннинг (1451-1510) сафавийлар томонидан тахкирланган жонсиз жасади учун ўч олди.

1590 йил олий ҳукмдор Абдуллахон Хиротни сафавийлардан тортиб олди. Абдулмўминнинг кўнглида Хирот тахтига нисбатан даъвогарлик хисси бор эди. Лекин унинг хоши-истагига қарши ўларок отаси Хирот ҳукмдорлигини ўзининг энг яқин амалдорларидан бири Кулбобо кўкалдошга ҳадя этди. Ўгли ранжимаслиги учун эса унга Термиз ва Кўлоб ҳукмдорлигини берди. Лекин Абдулмўминни бу шахарлар ҳукмдорлиги каноатлантормади ва оқибат-натижада ота ва ўғил ўртасига совуқчилик тушди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ота ва ўғил ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига Абдуллахоннинг ўз Хуросон ноибларига Абдулмўминга итоат этмаслик ва қулай пайтда уни жисмонан йўқ қилиш тўгрисида буйрук берганлиги ҳамда Нисо ва Обивард ҳукмдорларини Абдулмўминга қарши курашга даъват этганлиги сабаб бўлган. Ота ва ўғил ўртасидаги ихтилофлар 1597 йилга келиб кескин тус олди. Абдулмўмин энди отасига қарши очик ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Шу йилнинг кузида Абдулмўмин ўз қўшинлари билан Амударё бўйида чодир тикди. Самарқандда турган Абдуллахон эса ўз қўшинларини Насаф (Қарши) атрофига тўплаб бошлади. Лекин Бухоро ва Балх шайху уламолари аралашуви билан томонлар ўртасида сулҳ тузилди. Шундай бўлса-да қўшинлар Абдуллахон вафотига қадар ўз жанговар холатларида туравердилар.

1598 йилнинг 8 февралда Абдуллахон Самарқандда вафот этди. Унинг вафоти тўгрисида манбалар маълумоти турлича. Аксарият манбаларда Бухоро хони Абдуллахон ўз ажали билан вафот этганлиги қайд этилади. Жўйбор хўжалари хонадони вакили – мақомотнавис Мухаммад Толибнинг «Матлаб ат-толибин» (Мақсад изловчилар) асарида келтирилишича, Абдуллахон ўз ўғли Абдулмўмин буйруги билан Боқимухаммадбий номли шахс томонидан захарлаб ўлдирилган. Лекин муаллиф бу маълумотни бировлардан эшитганлигини қайд этади ва тахминий эканлигига ишора қилади.

Отасининг вафоти ҳақидаги хабарни эшитган Абдулмўмин тезда Бухорога етиб келиб, тахтни эгаллади. Тахтга ўтиргач, отасининг барча яқин амалдорларини киргин қилишга киришди. Унинг буйруги билан Кулбобо кўкалдошнинг бўйнига қунда урилиб, Хиротдан Бухорога келтирилди ва катл этилди. Абдулмўминнинг каттикқўллик билан юргизган

сиёсати Абдуллахон тарафдорларини бефарк колдирмади ва хукмронлигидан олти ой ўтгач, яъни 1598 йил ёзида Абдулмўмин бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди. Хонни, яъни Абдулмўминни ўлдириш шу икки кишига топширилди. Булар Абдулсамадбий ва Муҳаммадқулибийлар эди. Шундан сўнг фитначилар ов қилишни баҳона қилиб, Абдулмўминхонни Зомин томонга олиб бордилар. Хон албатта, фитнадан беҳабар эди. Кечкурун фитначилар хондан яширин равишда ўтиш қийин бўлган бир тор жойни танлаб, уни сувга тўлдирадилар ва икки томонидан хандак казиб, унга юқоридаги икки котилни жойлаштирдилар. Эрта тонгда хонни отга ўткизиб ов баҳонасида шу жойга етиб келдилар. Сувдан ўтаётганда хонга ифлос сувларни сачратмасликни важ қилиб, фитначилар атайлаб хондан орқада колдилар. Хон катл учун тайёрлаб қўйилган жойга етиб келгач, яшириниб ётган Муҳаммадқулибий хандакдан чиқиб, хонга камондан ўк отди. Ўк келиб хоннинг бикинига санчилди. Шунда иккинчи котил ҳам камондан ўк отиб, хонга жароҳат етказди. Хон отдан ерга кулаб тушгач, иккала котил ҳам югуриб келиб, хоннинг қалласини чопиб ташлашди .

Абдулмўминхоннинг ўлими Мовароуннаҳрда юз йилдан ортиқроқ хукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласи инкирозининг ибтидоси эди.

Халим Тўраев
Бухоро Давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди